

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi "Raqamli O'zbekiston-2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6079-son Farmoni.
3. Mishkin, F. (2022). The Economics of Money, Banking, and Financial Markets in the Digital Age. Journal of Monetary Economics, 84(3), 134-153.
4. Bordo, M., & Levin, A. (2023). Central Bank Digital Currency and the Future of Monetary Policy. NBER Working Paper Series, 23711.
5. Vaxabov, A., & Rasulov, T. (2021). O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot sharoitida valyuta siyosatini takomillashtirish masalalari. Iqtisodiyot va Innovatsion Texnologiyalar, 3, 78-92.
6. International Monetary Fund. (2022). Digital Transformation and Monetary Stability in Emerging Markets. IMF Staff Discussion Note, 22/04.
7. Bank for International Settlements. (2023). Central banks and financial stability in the digital era. BIS Papers, 123.
8. European Central Bank. (2022). Digital Euro: A Report on the Digital Euro Project. ECB Occasional Paper Series, 274.
9. Monetary Authority of Singapore. (2022). Financial Digitization and Currency Stability: Singapore's Approach. MAS Occasional Paper, 16.
10. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki. (2024). Raqamli iqtisodiyotga o'tish sharoitida monetar siyosat. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tahliliy sharhi, 2.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

И.С.Фозилжонов

Тошкент халқаро университети Бизнес ва инновацион таълим факультети декани,
и.ф.ф.б.д, доцент

Abstract. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларида пул оқимларини бошқаришнинг аҳамияти ва бу жарённи ташкил этишнинг илмий назарий асослари кенг очиб берилган. Бундан ташқари, корхона пул оқимларининг шаклланиш йўналишлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари атрофлича ёритилган.

Key words: пул ресурслари, капитал, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, пул оқимларини прогноз қилиш, амортизация ҳаракатлари.

Introduction

Глобаллашув шароитида мулкчиликнинг акциядорлик шаклига эга хўжалик юритувчи субъектлар учун пул ресурслари чекланган ҳисобланади, шунинг учун корхоналарда пул оқимларини самарали бошқариш механизмини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Пул оқимлари назарияси корхоналардаги пул оқимларини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилишга қаратилган назария ҳисобланади. Пул оқимлари назарияси фақатгина ривожланган мамлакатларда эмас, балки ривожланаётган мамлакатлар иқтисодчи олимлари асарларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бироқ корхоналарнинг пул оқимларини прогноз қилиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар бугунги кунда жуда кам.

Пул ресурсларини самарали бошқариш корхоналарнинг иқтисодий фаровонлигининг таъминловчи муҳим омили ва келажақда барқарор ривожланиш кафолати ҳисобланади. Пул

оқимларини бошқариш ҳар қандай тижорат корхонасининг асосий мақсадига эришиш, яъни фойда олишга ҳисса қўшадиган молиявий воситадир.

Корхонада пул оқимларини бошқаришнинг асосий мақсади нақд пулнинг етарлилик даражасини аниқлаш, нақд пул миқдорини мақбуллаштириш ва ундан самарали фойдаланишдир. Корхона фаолиятини бошқаришнинг асосий жиҳатлари, яъни захиралар, узоқ муддатли активлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, капитални ва бошқаларни бошқаришни қамраб оладиган пул оқимларини бошқариш тизимини яратиши лозим.

Акциядорлик жамиятлари даромад ва харажатлари орқали ўзларининг молиявий операцияларини амалга ошириб, пул оқимларини шакллантиради. Шунингдек, молиявий ресурслар ҳаракатининг узлуксизлигини таъминлашда пул оқимларининг узлуксизлиги таъминланиши лозим. Бугунги кунда, дунё иқтисодчи олимлари ва амалиётчиларининг молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан келиб чиққан ҳолда пул оқимлари тўғрисида турлича талқинлари мавжуд.

Хорижлик иқтисодчи олим Бригхемнинг назарида акциядорлик жамиятларининг пул оқимлари маълум вақт мобайнида шаклланадиган соф пул оқими ҳисобланади. Ушбу шакллантирилган пул оқимини капитал оқими билан боғлиқ ҳолда баҳолаш лозимлигини таъкидлайди[1]. Шунингдек, иқтисодчи олимлардан бири Бланк фикрича, акциядорлик жамиятининг пул оқими инвесторларга қайтадиган нақд пул шаклидаги жамият инвестицияларининг таъсирини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланди. Акциядорлик жамиятининг инвестициялар бўйича пул оқимининг таркиби соф фойда, моддий ва номоддий активларнинг эскириш суммасидан ташкил топади[2]. Ўз навбатида, Брейли ва Майерс ўз тадқиқотида пул оқимларига қуйдагича таъриф бердилар: “Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан кутиладиган пул оқимидан маҳсулот таннархи ва бошқа харажатларни ҳамда солиқларни айириб ташлаш йўли билан аниқланади[3]”.

Ван Хорн Джеймс К. ва Вахович Джон М.ларнинг тадқиқоти шуни кўрсатдики, акциядорлик жамиятининг пул оқими узлуксиз жараён ҳисобланди. Шу боис, жамият маблағлардан фойдаланишнинг ҳар бир йўналиши учун тегишли манбалари мавжуд бўлиши лозим. Кенгроқ айтадиган бўлсак, акциядорлик жамиятининг активларидан фойдаланиш соф пул оқимидан фойдаланишни кўрсатади. Мажбуриятлар ва хусусий капитал эса соф пул оқимлари манбаи ҳисобланади[4].

Акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини кўпгина иқтисодчи олимлар ўрганишига қарамай, пул оқими тушунчасига қарама-қарши фикрлар мавжуд бўлиб, иқтисодчи олимлар асосан акциядорлик жамиятининг молиявий-хўжалик фаолиятининг турли жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда пул оқимлари бўйича тушунчаларни шакллантиради.

Иқтисодчи олим В. Бочаровнинг фикрича, “Пул оқими – акциядорлик жамиятининг ҳисобот ва режалаштирилган давр учун кирим ва чиқим қилинган пул маблағлари миқдоридир[5]”. Шунингдек, Т. Воронченко тадқиқотида акциядорлик жамиятининг операцион фаолиятдан олинадиган пул оқими айланма маблағлар ва амортизация харажатлари чегириб ташланганидан сўнг ҳосил бўладиган пул маблағлари ҳисобланади. Унинг назарида, ушбу ҳосил бўлган пул маблағлари жамият учун маълум даврда соф пул оқими бўлиб хизмат қилади[6].

Бизнинг фикримизча, акциядорлик жамиятининг пул оқими инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва жамият активларини ишлаши натижасида ҳосил бўлган пул маблағларининг вақт бўйича тақсимланган тушумлари ва тўловлари ҳисобланади.

Хусусан, акциядорлик жамиятлари барча турдаги молиявий операцияларни амалга оширишда кирим ва чиқим шаклидаги пул оқими ҳосил қилинади. Шунингдек, вақт ўтиши давомида акциядорлик жамиятларининг молиявий фаолиятдан шаклланган маблағларининг узлуксиз жараёни амалга оширилиши жамиятнинг пул оқимини кўрсатади.

Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Дефонд ва Хунг маълумотларига кўра, пул оқимларининг прогнозларини катта ҳисоб-китобларга эга ва молиявий қийинчиликларга дучор бўлган компаниялар мисолида амалга ошириш лозимлигини таъкидлаганлар. Инвесторлар ҳимояси кучли бўлган мамлакатларга қараганда, инвесторлар ҳимояси заиф бўлган мамлакатлардаги компаниялар учун пул оқимларининг прогнозларини амалга ошириш заруриятини ўз тадқиқотларида кўрсатиб берганлар. Уларнинг илмий изланишлари шуни кўрсатадики, пул оқимлари ва даромадни прогноз қилишда келажакдаги пул оқимлари истиқболлари ҳақида етарли маълумот бермаса, даромад бўйича прогноз имконияти мавжуд бўлмайди[7].

Акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини прогноз қилиш учун даромадлар прогнозини тўғри амалга ошириш лозим. Гиволи, Хайн ва Лехави тадқиқотларига кўра, пул оқимларини прогноз қилиш доимий даромад прогнозини амалга оширишда амортизация харажатларини қўшиш йўли билан амалга оширилади. Чунки пул оқимлари прогнозлари даромад прогноз кўрсаткичларини тўғри аниқлашга боғлиқ[8]. Бироқ бошқа тадқиқотчилар даромадни прогноз қилиш орқали пул оқимларини прогноз қилишни амалга ошириш мумкинлигини эмпирик тадқиқотларида кўрсатиб берганлар. Нақд пул оқимининг прогнози ҳисоб-китоблар шаффофлигини оширади ва натижада даромадларни бошқаришни пасайтиради[9]. Шунингдек, фонд бозоридаги ҳисоб-китобларга нисбатан нақд пул оқимларининг нотўғри баҳоланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бригхем Ю., Джозл А. Хьюстон. Финансовый менеджмент. –СПб.: Питер, 2013.
2. Бланк И.А. Финансовый менеджмент: учебн. курс. – 2-е изд. перераб. и доп. – К.: Эльга, Ника-Центр, 2005.
3. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов. – М.: Олимп Бизнес, 2014.
4. Ван Хорн Джеймс К., Вахович Джон М. Основы финансового менеджмента. 12-е изд. - М.: "И.Д. Вильямс", 2008. - 1232 с
5. Бочаров В.В. Финансовое планирование. – СПб.: Питер, 2000.
6. Воронченко Т.В. Прогнозирование и анализ движения денежных потоков. //Экономический анализ: теория и практика. 2012. №4(169). – С. 46-51.
7. DeFond M., & Hung M. (2003). An empirical analysis of analysts' cash flow forecasts. Journal of Accounting & Economics, 35, 73-100.
8. Givoly D., Hayn C., & Lehavy R. (2009). The quality of analysts' cash flow forecasts. Accounting Review, 84, 1877-1911.
9. McInnis J., & Collins D. (2009). The effect of cash flow forecasts on accrual quality and benchmark beating (Working Paper). Austin: The University of Texas at Austin.